Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 2 май, № 91 (8153) Душанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, сиз, азизларни, юртимиздаги барча мўмин-мусулмонларни, бутун халқимизни муборак Рамазон ҳайити — Ийд ал-Фитр билан чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Қалбларимиз қувончга ва эзгу ниятларга тўлган ушбу саодатли ва мунаввар дамларда аввало шундай табаррук кунларга етказгани, байрамни тинч ва осуда муҳитда, оиламиз, эл-юртимиз билан ҳамжиҳатликда кутиб олаётганимиз учун Яратганга чексиз шукроналар айтамиз.

Халқимиз асрлар давомида буюк диний қадрият, саховат ва меҳр-оқибат рамзи сифатида эъзозлаб келаётган бу улуғ айём кейинги пайтда ижтимоий ҳаётимизда янада мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётгани албатта барчамизни хурсанд қилади.

Айниқса, бу йилги Рамазон байрами **“Инсон қадри ва манфаатлари учун”** деган олижаноб ғояни ўзида мужассам этган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида кенг кўламли ислоҳотларимиз янада юксак босқичга кўтарилаётган тарихий шароитда ўтаётгани унинг файзи ва шукуҳини кескин оширмоқда.

Чиндан ҳам, дунё аҳлини ўзаро дўст ва биродар бўлиб, тотувлик ва ҳамкорликда яшашга даъват этадиган Рамазон ҳайити инсон қадрини улуғлашнинг ёрқин намунаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳеч шубҳасиз, биз инсон қадрини унинг диний соҳадаги ҳуқуқ ва манфаатлари билан узвий боғлиқ ҳолда кўрамиз. Шунинг учун сўнгги йилларда мамлакатимизда диний қадриятларимизни тиклаш, бебаҳо илмий-маънавий меросимизни ўрганиш ва тарғиб этиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Бухорода — етти улуғ пир, Сурхондарёда — Имом Термизий зиёратгоҳлари, Қашқадарёда — Абу Муин Насафий, Тошкент вилоятида — Занги ота, Наманганда — Султон Увайс Қараний, Тошкент шаҳрида — Сузук ота ёдгорлик мажмуаси каби мўътабар масканлар ҳар томонлама обод қилингани бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Ҳозирги кунда ана шу хайрли амалларимизнинг мантиқий давоми сифатида Бухорода — Мир Араб олий мадрасаси, Самарқандда — Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси ҳамда Тошкент шаҳрида — Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида кенг кўламли қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Муҳтарам юртдошлар!

Маълумки, дунё бўйлаб тарқалган коронавирус пандемияси туфайли муборак Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш учун баъзи чекловлар киритилган эди. Қандай оғир бўлишига қарамай, жорий йилнинг январь ойидан бошлаб фуқароларимизнинг Умра зиёратига боришларини қайта йўлга қўйдик ва қисқа вақт ичида 35 мингга яқин юртдошларимиз қулай шароитларда орзиқиб кутилган бундай эзгу амалларини бажариш имкониятига эга бўлди.

Яна бир хурсандчилик — бу йил муборак Ҳаж ибодатини амалга ошириш учун имконият пайдо бўлганини сиз, азизларга етказишдан ғоят мамнунман. Бу — синовли кунларда сабр-тоқат ва матонат билан барча қийинчиликларни енгиб ўтган ватандошларимиз учун Аллоҳ таолонинг яна бир марҳамати, десак, тўғри бўлади.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳозирги пайтда дунёдаги вазият қандай шиддат билан ўзгариб бораётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз. Айрим минтақалардаги можаролар тез аланга олиб, тинчлик ва хавфсизликка жиддий таҳдид туғдирмоқда. Буларнинг барчаси олдимизга муҳим вазифаларни қўйиб, доимо ҳушёр ва огоҳ, замон билан ҳамнафас бўлиб яшашни тақозо этмоқда.

Муқаддас динимиз ҳам чин мусулмон одам ҳар қандай синов ва муаммога ҳамиша тайёр туриши зарурлигини, пок ният, эзгу амаллар билан яшайдиган бандаларга албатта юксак ажру мукофотлар ато этилишини уқтириб келади.

Шу маънода, юртимизда барқарорликни таъминлаш, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, қадимий ва ўлмас қадриятларга таянган ҳолда тараққиёт сари жадал одимлаш — давр талабидир.

Ана шундай аниқ мақсадларни кўзлаб, доимо олдинга интилган тақдирдагина биз бугун — кечагидан, эртага — бугунгидан кўра катта ютуқларга эришмоғимиз, обод ва фаровон ҳаёт кечирмоғимиз мумкин бўлади.

Барчамизнинг умидимиз ва таянчимиз бўлган ёшларимизнинг қалби ва онгида ана шу муҳим фазилатларни уйғунлаштириб, уларни жаҳон майдонида рақобатбардош етук авлод этиб тарбиялашимиз шарт.

Ҳеч қачон унутмайлик, дунёдаги ўтда ёнмайдиган, сувда чўкмайдиган энг катта бойлик бу — билим ва тарбиядир.

Бу борада бой миллий анъаналаримиз асосида шаклланган ўзбекона тарбия билан бирга бизга яқин дўст ва хайрихоҳ бўлган давлатлардаги илғор ҳамда замонавий таълим тажрибаларидан оқилона фойдалансак, кўзлаган улуғ мақсадларимизга албатта етамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, дунёнинг узоқ ва яқин мамлакатларидаги барча мусулмонларни Рамазон ҳайити билан самимий табриклаб, уларга тинчлик, бардавом тараққиёт ва равнақ тилаймиз.

Азиз ватандошлар!

Ушбу муборак кунларни хонадон ва маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда мазмунли ва кўтаринки кайфиятда ўтказиш учун Рамазон ҳайити муносабати билан юртимизда дам олиш кунлари эълон қилинганидан хабарингиз бор.

Ўйлайманки, бундай қулай шароит байрамнинг файзу тароватини, қадр-қимматини янада оширади. Бинобарин, ушбу ҳордиқ кунлари — мўътабар ота-оналарни зиёрат қилиш, беморлар ва муҳтожлар ҳолидан хабар олиш, яқинлар билан дийдор кўришиш учун яхши имкониятдир.

Ишончим комил, жамиятимизда ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, ҳар бир инсоннинг, аввало, ёшларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашишга қаратилган инсонпарварлик руҳидаги ишларимизнинг аҳамиятини халқимиз албатта яхши тушунади ва уларни амалга оширишда фаол иштирок этади.

Муҳтарам юртдошларим!

Сизларни, бутун халқимизни мамлакатимизда кенг нишонланаётган муборак Рамазон ҳайити билан яна бир бор чин юракдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, оилаларингизга хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Байрам шукуҳидан қалбларимиз янада нурафшон бўлсин!

Она юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РАМАЗОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кўлами теран, аҳамияти юксак ислоҳотлар халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш, фуқаролар учун виждон эркинлиги ҳуқуқини тўлиқ кафолатлашнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Юртимиздаги барча мўмин-мусулмонлар муборак Рамазон ойини бу йил ҳам яратилган қулайлик ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, тинч ва осуда ҳаётнинг қадрига етиш ҳамда унга шукрона келтириш кайфиятида ўтказдилар.

Халқимиз учун эзгулик ва мурувват, руҳий покланиш ойи ҳисобланган ушбу қутлуғ кунларда уламолар, имом-хатиблар, муҳтарам фахрийлар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари томонидан жойларда 20 мингдан зиёд маънавий-маърифий тадбирлар амалга оширилди. Айниқса, саховат тадбирлари доирасида 100 мингдан ортиқ кам таъминланган хонадонлар ҳолидан хабар олиниб, уларга ижтимоий ёрдам ва кўмак кўрсатилди. Бу эса юртдошларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши ҳамда Рамазон ҳайити байрами шукуҳининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Муборак Рамазон ҳайити моҳиятида мужассам бўлган хайру саховат, меҳр-оқибат, инсонпарварлик сингари азалий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш, халқимизнинг эзгу ният ва орзу-интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. Жорий йилда Рамазон ҳайитининг биринчи куни **2 май — душанба** кунига тўғри келиши тўғрисида Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши томонидан қабул қилинган қарорни инобатга олиб, мамлакатимизда 2022 йил **2 май** куни Рамазон ҳайити байрами сифатида кенг нишонлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги “2022 йилда расмий саналарни нишонлаш даврида қўшимча ишланмайдиган кунларни белгилаш ва дам олиш кунларини кўчириш тўғрисида”ги ПФ-35-сон Фармонига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги ПФ-131-сон Фармони билан 2022 йил 3-4 май кунлари қўшимча дам олиш кунлари сифатида белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда Рамазон ҳайити халқимизнинг миллий ва диний анъаналарига мос равишда ўтказилиши учун тегишли чора-тадбирларни амалга оширсин.

Туризм ва маданий мерос вазирлиги Транспорт вазирлиги билан биргаликда юртдошларимиз учун муборак Рамазон ҳайити кунларида мўътабар зиёратгоҳлар ва тарихий қадамжоларга зиёратларини ташкил этиш мақсадида қулай шароит ва имкониятлар яратсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Рамазон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисобласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси М.М.Камилов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 30 апрель

Биз ва жаҳон

Токиодан муносабат:

Ўзбекистон қонун устуворлигига асосланган эркин ва очиқ халқаро тартиб ўрнатишда муҳим ҳамкор

Япония ташқи ишлар вазири Ёсимаса Хаясининг 29-30 апрель кунлари Ўзбекистонга ташрифи Кунчиқар юрт оммавий ахборот воситаларида, жумладан, “NHK” корпорацияси веб-саҳифасида кенг ёритилди.

Япония ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбарининг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва мамлакатимиз ҳукуматининг юқори мартабали аъзолари билан учрашувларига алоҳида қизиқиш билдирилган.

Давлатимиз раҳбари Ёсимаса Хаясини самимий кутлагани ва Ўзбекистонга амалга оширилган ушбу ташриф мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шерикликнинг янги истиқболларини очиб беришини алоҳида таъкидлагани уқтирилган. Шунингдек, Япония ҳукуматининг Ўзбекистон инфратузилмаси ва инсон ресурсларини ривожлантиришдаги ёрдами учун миннатдорлик билдирилгани, япон компанияларининг республикамиздаги фаол сармоявий фаолияти юқори баҳоланган, 2019 йилда Японияга амалга оширилган олий даражадаги ташриф давомида эришилган барча келишувлар ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани қайд этилганига эътибор қаратилган.

Кунчиқар юрт ташқи ишлар вазирининг сўнгги 12 йилда Ўзбекистонга биринчи ташрифи икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланаётган йилда амалга оширилганида рамзий маъно борлиги таъкидланган.

Нашр Япония ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Ўзбекистон қонун устуворлигига асосланган эркин ва очиқ халқаро тартиб ўрнатишда муҳим шерик экани, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил декабрь ойида Японияга ташрифи эса икки мамлакат ўртасидаги стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга туртки берганини қайд этганини маълум қилган.

«Дунё» АА.
Токио

МЕҲР-ОҚИБАТ, ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ҚАРАТИЛГАН БАЙРАМ

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ, халқимизнинг маънавий ҳаётида алоҳида ўрин тутадиган, муқаддас ислом динининг эзгу ғояларини ўзида яққол ифода этадиган байрам — **Ийд ал-Фитрни** муносиб нишонлаш, жамиятимизда **инсонпарварлик, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, саховат ва шукроналик** туйғуларини кучайтириш, ёшларимизда юксак фазилатларни камол топтириш мақсадида Рамазон ҳайити **2022 йил 2 — 4 май** кунлари мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонланмоқда.*

Шукуҳ

Бу йилги байрам, айниқса, ўзгача шукуҳ ва файз билан ўтмоқда. Буни одамларнинг юз-кўзларидаги қувонч ва тилларидаги шукроналик сўзларидан яққол англаш мумкин.

Яна бир муҳим жиҳат, **Рамазон ҳайити** муносабати билан давлатимиз раҳбари номига кўплаб хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан **кутлов мактублари** келиши давом этмоқда, ўз навбатида, Президентимиз томонидан ҳам чет эл давлатлари раҳбарларига **табрикномалар** юборилмоқда. Байрам том маънода **ўзаро меҳр-оқибат рамзи** ўлароқ халқаро алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига сабаб бўлмоқда.

Шуни алоҳида айтиш лозимки, Президентимизнинг Ўзбекистон халқига йўллаган **Рамазон ҳайити** табриги юртдошларимизни бениҳоя хурсанд қилди, барчамизга ҳақиқий байрам кайфиятини бахш этди.

Байрам табригида халқимизнинг олижаноб қадриятларини асраб-авайлаш, аждодларимизнинг **бой илмий меросларини тиклаш ва фаол тарғиб этиш, буюк аждодларимизнинг табаррук қадамжоларини обод қилиш, байрам кунларида ўзаро меҳр-оқибат ришталарини** янада мустаҳкамлаш, сўнгги йилларда инсон қадрини улуғлаш бош ғояси асосида улуғвор ташаббуслар қўллаб-қувватланаётгани, амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Бугун Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига чиқди. Буни янги Ўзбекистоннинг **ички ва ташқи сиёсатидан тортиб, иқтисодий-ижтимоий, маданий ҳамда диний-маърифий соҳаларидаги** туб ислоҳотлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Сўнгги беш йилда мамлакатимизда турли миллат ва конфессиялар ўртасида ўзаро **ҳурмат, бирдамлик ва ҳамкорлик муҳитини мустаҳкамлаш, маданиятлараро мулоқотни қўллаб-қувватлаш ҳамда тинчлик ва тотувликни** таъминлашга қаратилган изчил ва пухта ўйланган сиёсат халқаро ҳамжамият томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланмоқда.

Эътиборлиси, мамлакатимизда инсон қадри учун амалга оширилаётган ишларни ҳар жабҳада кўриш мумкин. Хусусан, турли ғаразли кучлар таъсирида диний-экстремизм фаолиятига адашиб кириб қолган фуқароларнинг **16 мингдан зиёди ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари “қора рўйхат”идан чиқарилгани ёки “Меҳр” операциялари** доирасида Сурия, Ироқ ва Афғонистонда оғир аҳволга тушиб, чорасиз қолган **500 нафардан ортиқ аёллар ва болалар** Ўзбекистонга олиб келингани, улар янгиланаётган, инсон эрки ва ҳуқуқлари қадрланадиган юртимизда ўзларининг янги ҳаётини бошлагани бунинг яққол мисолидир.

2

Умумхалқ хайрия ҳашари

ҲАМЖИҲАТЛИК, БИРДАМЛИК ВА ОБОДЛИК РАМЗИ

Жорий йилнинг 30 апрель куни юртимизнинг барча гўшасида “Маҳалла ободлиги — юрт фаровонлиги” шиори остида умумхалқ хайрия ҳашари зўр уюшқоқлик билан ва юқори савияда ўтказилди.

Сирожиддин ВОҲИДОВ олган сурат.

Эътиборлиси, бу йилги умумхалқ хайрия ҳашари муборак Рамазон ҳайити айёми ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш куни арафасида бўлиб ўтганида ҳам ўзига хос маъно мужассам. Зотан, ёши улуғларга эътибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатиш, саховат, мурувват, меҳр-оқибат, катта авлод вакилларига ҳурмат халқимиз миллий қадриятларининг бир кўринишидир.

2

Рағбат

«ОЛТИН ҚАЛАМ» ТАНЛОВИ ЯНГИ РУҲ ВА ЮКСАК САВИЯДА ЎТКАЗИЛАДИ

Инсоният тафаккурининг ривожланишида оддий қаламнинг беминнат хизмати беқиёс. Оламшумул ғоялар ҳам, муҳим тарихий воқеа-ҳодисалар ҳам, буюк алломаларнинг асарлари ҳам дастлаб қалам орқали қоғозга муҳрланган ва шу йўл билан авлоддан-авлодга етказилган. Ўзбекистон Қаҳрамони, севимли шоиримиз Абдулла Орипов “Ўзбекистон” қасидасида “Темур тиғи етмаган жойни қалам билан олди Алишер” сатрларини битиб, қаламга алоҳида урғу берган бежиз эмас, назаримизда.

Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказиладиган танловлар дунё миқёсида, мамлакатимизда ҳам кўп бўлишига қарамасдан, “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг нуфузи баланд, нафақат маҳаллий, балки хорижлик журналистлар ҳам “Олтин қалам”-га интилмоқда десак, асло муболаға бўлмайди.

4

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2022 йил 2 май

МЕҲР-ОҚИБАТ, ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ҚАРАТИЛГАН БАЙРАМ

1 Куни кеча давлатимиз раҳбарининг Рамазон ҳайити арафасида адашиб жиноятга қўл урган, лекин айбини чуқур англаб, тузалиш йўлига қатъий ўтган **65 нафар** фуқарони афв этиш бўйича Фармонни имзолагани халқимизга хос эзгулик, бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат ва кечиримли бўлиш каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Виждон ва дин эркинлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси олиб бораётган сиёсатнинг устувор вазифаларидан саналади. Шу боис **сўнгги йилларда республикамизда фуқароларнинг виждон эркинлигини** таъминлашга қаратилган кенг кўламли демократик ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу борада виждон эркинлигининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, **қонунчиликни инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозалар** асосида такомиллаштириш ҳам республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг **энг долзарб вазифаларидан** деб қаралмоқда.

Инсон қадри улуғланаётган юртимизда 2021 йил 5 июлда **“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”**ги Қонун қабул қилингани жамиятдаги жуда кўп масалаларни ечди. Мазкур ҳужжат ўзининг халқчиллиги ва жамиятдаги барча масалага энг ҳаққоний ва адолатли жавоб бериши билан аҳамиятлидир.

Янги таҳрирдаги ушбу қонун **АҚШ, Европа Иттифоқи ва жаҳоннинг илғор давлатларининг** инсон ҳуқуқлари бўйича марказлари ҳамда халқаро ташкилотлар мутахассисларининг таклиф ва тавсияларини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилди. Янги қонуннинг олдинги қонундан асосий фарқли жиҳатлари шундаки, бу ҳужжатда фуқароларнинг виждон эркинлиги кафолатлари кучайтирилди, **ҳар бир инсон ҳақ-ҳуқуқини таъминлаш**нинг янги механизмлари жорий этилди, шунингдек, давлатнинг дин ишлари бўйича сиёсати такомиллаштирилди.

Яна бир асосий жиҳат, диний таълим тизимидаги янгиликлар алоҳида муҳим ўрин тутади. Ислом дини ривожи йўлида беқиёс хизмат қилган буюк муҳаддис боболаримизнинг диний ва илмий-маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш **мақсадида Самарқандда Имом Бухорий, Сурхондарёда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, шунингдек, Тошкентда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази** иш олиб бормоқда. Шунингдек, учта йирик олий диний таълим ва **10 та ўрта** махсус ислом билим юртлари фаолият юритмоқда.

Шу қаторда Қашқадарё вилоятида калом илмининг атоқли намояндаси **Абу Муин Насафий, Наманган вилоятида тасаввуф таълимотининг йирик вакили Султон Увайс Қараний, Тошкент шаҳрида Сузук ота ёдгорлик** мажмуалари бунёд этилгани, кўплаб масжид, мадраса ва диний обидалар қайта қурилаётгани ёки таъмирланаётгани, айниқса, **Имом Бухорий ҳазратларининг Самарқанд вилоятидаги ёдгорлик мажмуасини** мутлақо янги, замонавий ҳолда барпо этиш ишлари шиддат билан давом этаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Қолаверса, ўзининг маҳобати ва **Учинчи Ренессанс** даврига пойдевор қўйилаётган юртимизда илмий салоҳияти туфайли маърифат масканига айланиши кутилаётган, Тошкент шаҳрида барпо этилаётган **Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси** маркази хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Зотан, халқимизнинг бой диний-маънавий меросини чуқур ўрганиш ва дунёга тарғиб этиш, ёш авлодни **миллий ва умумбашарий қадриятлар** руҳида тарбиялашда беқиёс ўрин тутадиган мазкур илм-маърифат маркази ҳозирданоқ ўз маҳобати, амалга ошираётган маънавий, илмий тадқиқот фаолияти билан бутун дунё ҳавасини келтирмоқда.

Яна бир эътиборли жиҳат, давлатимиз раҳбарининг қатъияти ва ташаббуси билан **Ҳаж ва Умра зиёрати** қайта тикланди. Пандемия туфайли ушбу муқаддас диний амалларни бажариш имконияти чекланган эди. Бироқ юртимизда пандемик вазиятни бартараф этишдаги **саъй-ҳаракатлар** натижасида аҳоли динимизнинг муқаддас амалларини бажариш имконига эга бўлди. Мисол учун пандемиядан кейин, ўтган қисқа давр ичида, **35 мингга** яқин юртдошларимиз муборак Умра зиёратини адо этиш бахтига муяссар бўлди.

Албатта, мазкур кенг кўламли **ислоҳотлар, енгилликлар, қулайликлар замирида кўп миллатли** халқимиз ҳаёти, фаровон турмуши, **ёрқин истиқболи, фарзандлар камолоти ва орзу-истаклари** рўёби мужассамдир.

Кези келганда шуни таъкидлаш лозимки, бугунги шиддатли замон мафкураси, айниқса, дунё миқёсида тобора кескин ва шафқатсиз тус олаётган рақобат, барқарорликка нисбатан таҳдидлар, фарзандлар тарбиясидаги доимий **ҳушёрлик ва огоҳлик** масалаларига ҳар қачонгидан ҳам жиддий аҳамият беришни тақозо этмоқда. Албатта, бу жараёнда юртимизда яшаётган ҳар бир инсон чуқур хулоса чиқариши, доимо **огоҳ ва сергак** бўлиши, фарзандлар тарбияси масаласида янада эътиборли бўлиши лозим.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда кенг кўламли ислоҳот ва туб ўзгаришлар натижасида янгиланиб бораётган юртимизда халқ билан мулоқот, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини, жумладан, виждон эркинлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу борада улкан чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, кўлами ва миқёси тобора кенгайиб бораётган бундай амалий ишлар **янги Ўзбекистонни барпо этиш, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини оширишдек эзгу мақсадларимизга уйғун ва ҳамоҳанг** бўлиб, барча юртдошларимизни ана шу ғоялар атрофида янада **бирлаштиришга** хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Меҳр-оқибатли, саховатли халқимизга, тинч-осойишта юртимизга мана шундай байрамлар ярашади. Бинобарин, бунинг шукронасини қилиш, янги бунёдкорлик ишларида **бирдам бўлиш, буюк келажак сари шахдам қадамлар ташлаш, янги Ўзбекистонни барпо этишда бир ёқадан бош чиқариб, давлатимиз раҳбари атрофида бирлашиш** — бизни мақсад сари олиб борувчи ягона йўлдир.

Содиқ ТОШБОЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси.

Эшитув

ТИББИЁТ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан аҳолига соғлиқни сақлаш соҳасида электрон хизматлар кўрсатиш бўйича онлайн платформаларнинг техник ва дастурий муаммоларини ўрганиш юзасидан назорат-таҳлил тадбирининг якунлари бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ахбороти эшитилди.

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Отабек Фазилкаримовнинг айтишича, ўтган давр мобайнида телемедицина тизимини яратиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, Германиянинг Роберт Кох номидаги институт ва Шарите клиникаси мутахассислари томонидан Ўзбекистонга беморни текшириш, ташхис қўйиш ва даволашда ёрдам берувчи 2 та телемедицина ускунаси тақдим этилган.

Ушбу жиҳозда беморнинг ҳозирги ҳолатини тўғридан-тўғри Германияга узатиш имконияти мавжуд бўлиб, бу орқали Шарите клиникасининг тажрибали мутахассислари тўлиқ текширувни ўтказишлари мумкин. Шу боис бу ускуналар Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ҳамда Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонасига топширилган.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги 1-сонли ва 4-сонли кўп тармоқли шифохоналарни тўлиқ рақамлаштириш юзасидан Жанубий Корея давлати билан ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Ушбу лойиҳа 2023 йилга қадар тўлиқ йўлга қўйилади.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятига ахборот тизимларини жорий этиш юзасидан Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам ахборот берилди.

Қайд этилишича, бугунги кунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 37 та ахборот тармоғи яратилиб, ишга туширилган. Тез тиббий ёрдамни бошқаришнинг автоматлаштирилган “Ягона тез тиббий ёрдам” ахборот тизими йўлга қўйилган. Уни жорий этиш орқали фуқаролар мурожаатларини қабул қилишга сарфланадиган вақтни 2 баробар қисқартиришга эришилган.

Шу билан бирга, коронавирус билан касалланган беморларни мониторинг қилиш “Бемор” ахборот тизими (bemor.ssv.uz) яратилиб, тўлиқ ишга туширилган.

Йиғилишда сўз олган Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси раиси Илҳом Абдуллаев амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, камчиликлар ҳам мавжудлигини таъкидлади. Хусусан, фуқаролардан келаётган мурожаатлар, депутатларнинг ўрганишлари натижаларида соҳадаги камчиликлар кўзга ташланмоқда.

Йиғилишда депутатлар мавжуд камчиликларни бартараф этиш, тизимни янада такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берди.

Якунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Дил сўзи

БУ КУНЛАРГА ЕТКАЗГАНИГА ШУКР

Бу йил 99 баҳорни қаршиладим. Умрим давомида кўп яхши-ёмон кунларни, қувончу ташвишларни кўрдим. Ўтган асрнинг 30-йилларида ота-онамни ўзига тўқ хонадон вакиллари бўлгани учун «кулоқ» қилишган.

Шундан кейин Хивадаги Меҳрибонлик уйида тарбияландим. 1942 йилда кўп сонли тенгдошларим қатори мен ҳам Иккинчи жаҳон урушига отландим. Сталинград, Болтиқбўйини фашизмдан озод этиш учун кечган суронли жангларда қатнашиб, Берлингача бордим. Қанчадан-қанча сафдошларим жанг майдонларида қолиб кетишди. Ёш йигитларнинг умри бевақт хазон бўлди, аёллар бева, болалар етим қолди. Ўша машъум даврларни эслаш жуда оғир. Уруш йилларининг азоби, очарчилик даҳшатини биз кўрдик, авлодларимиз тақдирида минбаъд бундай қора кунлар такрорланмасин. Шу боис учрашувларда, давраларда бугунги дориламон кунларнинг қадрига етайлик, деб кўп уқтираман.

Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, Ватанимизнинг озодлигини, ободлигини кўриш кўплар қатори менга ҳам насиб қилди. Бугун юртимизда бўлаётган ўзгаришлар, ҳар жабҳадаги янгиланишларни кўриб кўнглим тоғдек кўтарилади. Айниқса, биз, фахрийларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибордан жуда мамнунмиз.

Президентимизнинг «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонига кўра уруш қатнашчилари ва ногиронларига 15 миллион сўмдан пул мукофотининг топширилиши ана шу юксак ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Биз бундай эътибордан, меҳрдан куч оламиз, умримизга умр қўшилади. Икки йил муқаддам Хоразм вилояти ҳокими Урганч шаҳрида янги барпо этилган сўлим маҳалладан намунавий лойиҳа асосида қурилган ҳовли-жой совға қилган эди. Ҳозир мана шу шинам ҳовлимда шу кунларга етказганига шукрона айтиб умргузаронлик қилмоқдаман. Хонадонимдан мени йўқлаб келувчилар қадами узилмайди. Ватан азиз, муқаддас, уни қадрлаш, янада тараққий этиши учун садоқат билан тинмай хизмат қилиш керак. Илоҳим, Ер юзида юртимиздагидек тинчлик, фаровонлик, меҳр-муҳаббат ва эзгулик барқарор бўлсин.

Собиржон ҚУРБОНОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси.

ДОИМ ЭЪЗОЗ ВА ЭҲТИРОМДАМИЗ

Нуронийларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш халқимизга хос қадриятлардан. Ватанимизда биз кекса авлод вакиллари доим Президентимизнинг, давлатимизнинг, халқимизнинг эъзоз ва эътиборидамиз.

Умримизнинг кексалик даврини бахтли саодатли, пиру бадавлат, соғу саломат ўтказиш учун қулай ва етарли шароит яратиб берилмоқда. Бу яқинда Президентимиз томонидан имзоланган «Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармоннинг мазмун-моҳиятида ҳам ўз ифодасини топди. Пенсиялар ҳамда нафақалар миқдорининг оширилиши ва кексаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган бундай эзгу ишлардан чин дилдан қувондик. Ана шундай дориламон кунларга етказганига шукрлар айтамиз. Юртимиздаги файз-барака, тинчлик-тотувлик бардавом бўлсин.

Акбарали МИРЗААҲМЕДОВ,
«Дўстлик» ордени соҳиби,
меҳнат фахрийси.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ЭРОНДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Ўзбекистоннинг Эрондаги элчихонаси вакиллари 28 — 30 апрель кунлари Теҳронда бўлиб ўтган Ислом дунёси мамлакатларининг миллий либослари ва урф-одатлари халқаро кўргазмасида иштирок этди.

Кўргазма

Тадбирнинг очилиш маросимида Эрон Маданият вазирлиги, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Маданият институти, ЮНЕСКО Минтақавий маркази ваколатхонаси, Эрон мода ва кийим-кечакларни тартибга солиш ташкилоти раҳбарияти, шунингдек, ижтимоий-сиёсий доиралар, дипломатик корпус ва Теҳронда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотларнинг вакиллари қатнашди.

Кўргазма доирасида мамлакатимиз элчихонаси томонидан ўзбек халқининг тарихий анъаналари, турмуш тарзи ва азалий урф-одатларини ўзида мужассам этган эркаклар ва аёллар миллий либосларининг хилмахиллиги ва гўзаллиги билан меҳмонларда катта қизиқиш уйғотган Ўзбекистон стенди ташкил этилди.

Шунингдек, ўзбек стендига ташриф буюрганлар Ўзбекистон халқ амалий санъати, мамлакатимизнинг машҳур сайёҳлик объектлари, қизиқарли саёҳат йўналишлари, меҳмонхоналар ва хизмат кўрсатиш инфратузилмаси ҳақидаги маълумотлар билан танишиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарлари, бетакрор меъморий обидалари, сайёҳлик масканлари, миллий таомлари, гўзал табиат манзараси ва замонавий тараққиётига бағишланган фотокўргазма тошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Меҳмонларга мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, ўзбек халқининг маданияти ва меҳмондўстлиги ҳақида батафсил ҳикоя қилувчи турли тарқатма материаллар тақдим этилди.

«Дунё» АА.
Теҳрон

ҲАМЖИҲАТЛИК, БИРДАМЛИК ВА ОБОДЛИК РАМЗИ

1 “Яшил йиллик” ва “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаларига уйғун ҳолда ташкил этилган ҳашар давомида мамлакатимиздаги 300 дан зиёд зиёратгоҳлар, 9 мингга яқин қабристонлар тартибга келтирилди. 10 минг гектардан зиёд ер майдонлари ободонлаштирилиб, 2 минг километрдан ортиқ ариқ ва зовурлар тозаланди. Шу билан бирга, миллионлаб мевали ҳамда манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди.

Умумхалқ хайрия ҳашарида 30 мингдан зиёд эҳтиёжманд оилалар ҳамда 8 мингга яқин якка-ёлғиз қарияларга 14 млрд. сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Хайрия ҳашари тадбирлари доирасида 5 мингга яқин ватандошларимизнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

Мазкур жараёнларда кенг жамоатчилик вакиллари билан бир қаторда, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этди.

Ўн минг тупдан зиёд мевали дарахт кўчатлари экилди

Уюшқоқлик билан ўтган ҳашарда ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар томонидан тураржой мавзелари ва маҳаллаларда 10 минг тупдан зиёд мевали дарахтлар, 20 мингдан ортиқ турли гул кўчатлари экилди. Шунингдек, юзлаб ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг уй-жой шароитларини яхшилашга кўмаклашилди.

Бундан ташқари, беш мингдан зиёд маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузарлар, хиёбонлар ҳамда болалар майдончалари тартибга келтирилди.

Маданий мерос объектлари атрофи тартибга келтирилди

“Миллий тикланиш” демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ўзлари сайланган округларда бўлиб, ҳудуддаги тураржой мавзелари, маҳаллаларда олиб борилган хайрия ҳашарларида фаол иштирок этиб, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Жумладан, ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия ходимлари томонидан 250 га яқин боқувчисиз қолган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг хонадонларига ташриф буюрилиб, уларнинг ҳолидан хабар олинди ҳамда ижтимоий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, 400 дан ортиқ маҳаллалар, хиёбонлар ва маданий мерос объектлари, зиёратгоҳлар атрофи тозаланди. Умумхалқ хайрия ҳашарида ЎзМТДП фракциясининг барча аъзолари фаол қатнашди.

Акция: «Адолат»дан келажак учун бир боғ қолсин!»

Халқимизга хос бағрикенглик, ҳамжиҳатлик ва меҳр-оқибат мужассам бўлган ҳашарда “Адолат” СДП фракцияси аъзолари партия Сиёсий Кенгаши марказий аппарати ҳамда партиянинг ҳудудий ходимлари ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисиз қолган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг ҳолидан хабар олиб, уй-жой шароитлари яхшиланди.

Мазкур жараёнда Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Самарқанд, Андижон, Наманган, Навоий, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида вақтинча ишламайдиган ва ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларини партиянинг “Бир ойда бир иш ўрни” лойиҳаси доирасида ўқимайдиган, аниқ бир машғулотга эга бўлмаган ёшлар ҳамда аёлларнинг маълумотлар базасини шакллантириш, уларни ишга жойлаштириш, ишсизликни камайтириш мақсадида 18 нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Бундан ташқари, республика бўйича жами 213 та манзарали, 399 та мевали кўчатлар экилди. Шунингдек, “Адолат”дан янги ниҳоллар”, “Адолат”дан келажак учун бир боғ қолсин!”, “Ҳар бир ёшга бир кўчат” шиори остида акциялар ҳам ташкил этилди.

Эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди

Умумхалқ ҳашари Рамазон ҳайити ҳамда Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ташкил этилгани боис Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари, партия вакиллари ва маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан эҳтиёжманд оилалар, якка-ёлғиз қариялар, моддий кўмакка муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиниб, уларга саховат ва мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

Хусусан, 650 та хонадонга ташрифлар амалга оширилиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган кекса ва ногиронлиги бўлган фуқароларнинг уй-жойлари яхшиланди. Уларга озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим кечаклар берилди.

Шунингдек, 122 та маҳалла, 43 та аҳоли пункти, 76 та кўп қаватли бино ва 650 та ҳовли атрофи, гузарлар, 7 та хиёбон, 18 та қабристон ҳамда 23 та болалар майдончаси тартибга келтирилди.

Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари “Маҳалла ободлиги — юрт фаровонлиги” ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш умумхалқ хайрия ҳашари доирасида пойтахтимизнинг Яккасарой, Миробод туманларидаги маҳаллалар, Наманган шаҳрининг Қадамжо маҳалласи, Мавлоно қабристони, Оҳангарон туманининг Гўшсой маҳалласи, Нукус туманининг қатор ҳудудларида ободонлаштириш, дарахт экиш тадбирларида фаол қатнашди.

Хусусан, ҳашар давомида ҳудудларда фракция аъзолари томонидан мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилди, маҳаллалар атрофлари тозаланди, янги экилган манзарали дарахтлар парвариш қилинди, чиқиндилар тўпланиб, белгиланган жойларга олиб чиқилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази.

ЎзА суратлари.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАКДАГИ ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Ватанимиз тараққиётининг янги босқичида қайси соҳа ёки тармоқда бўлмасин, амалга оширилаётган ишларимизнинг тагзамирида инсон қадрини улуғлаш, халқимизни ўйлантираётган масалаларга ечим топиш мақсади турганига бугун барчамиз гувоҳ бўляпмиз. Бундай ўта муҳим жараёнларда, хусусан, пухта ва пишиқ, ҳаётий қонунларни қабул қилишда, амалдаги қонун ҳужжатларининг ижросини таҳлилдан ўтказишда депутатлар корпусининг ўрни ва масъулияти катта.

Мамлакатимиз Президентининг таъбири билан айтганда, "Миллий парламентимиз тимсолида, аввало, жамиятимизнинг ҳақиқий кўзгусини, одамларни ўз ортидан эргаштириб, эзгу мақсадлар сари бошлашга қодир бўлган катта бир куч"ни кўришимиз лозим.

Сарҳисоб

Шу ўринда табиий саволлар туғилади. Хўш, 2022 йилнинг илк чорагида Қонунчилик палатаси халқимиз кутганидек, "ҳақиқий демократия мактаби"га, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочисига айлана олдими? Бугун депутатлар муҳокама этаётган ва қабул қилган қонунлар халқимизнинг оғирини енгиллаштира оляптими? Депутатларнинг ташаббуси билан ўтказилаётган "ҳукумат соатлари", "парламент эшитув"ларида кўтарилаётган муаммолар сайловчиларни ўйлантираётган масалалар билан ҳамоҳангми?

Аввало қайд этиш керак, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий йил биринчи чорагидаги иши парламент фаолиятини тартибга солувчи конституциявий қонунлар, мамлакатимиз Президентининг қатор дастурий маърузалари, фармонлари ва қарорлари, 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" Давлат дастури асосида ташкил этилди.

Ўтган даврда Қонунчилик палатасининг фаолияти мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан янада ривожлантириш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилди.

Шунингдек, парламент назоратини олиб бориш, депутатларнинг сайлов округларидаги ишларини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, мурожаатлар билан ишлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш йўналишларидаги ишлар янгича мазмун-моҳият касб этди.

Таъкидлаш жоизки, Қонунчилик палатасининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги фаолиятининг асосий йўналишларини белгилашда аввалги йиллардан фарқли равишда бутунлай янгича ғоя ва мақсадлар асосида ёндашилди.

Қуйи палата фаолиятининг асосий йўналишларида қонун ижодкорлигининг амалдаги механизмлари самарадорлигини ошириш, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, парламент назорати соҳасидаги муносабатларни такомиллаштириш ҳамда депутатларнинг ўз сайловчилари билан очиқ мулоқот қилиши учун рақамли платформа яратиш сингари долзарб вазифалар қамраб олинган.

Жумладан, қонун лойиҳаларини кўпроқ қўмиталар ва сиёсий партиялар фракцияларида кенг муҳокамадан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Бунда сиёсий хилмахиллик, кўппартиявийлик, масалаларни эркин муҳокама этиш ва жамоа бўлиб ҳал қилиш тамойиллари устуворлик касб этмоқда.

Шунга кўра, Қонунчилик палатасининг ўтган даврдаги қонун ижодкорлиги фаолияти маҳсулдорлиги ошди. Жумладан, қуйи палата томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида **жами 63 та** қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, шундан **14 таси** алоҳида қонун сифатида, 11 таси эса **4 та** қонунга бирлаштирилиб, жамланма қонун тариқасида қабул қилинди ва Сенатга юборилди. Таққослаш учун айтсак, **2016 йилнинг** мос даврида **23 та** қонун лойиҳаси кўриб чиқилиб, шундан **4 таси** алоҳида қонун сифатида, 15 таси эса **2 та** қонунга бирлаштирилиб, жамланма қонунлар таркибида қабул қилинган эди.

Кўриниб турибдики, Қонунчилик палатасининг кўриб чиқишида бўлган қонун лойиҳаларининг сони **3 баравар** кўпайган ва қонун лойиҳаларининг ҳажми ҳам шунга монанд равишда ошган.

Шунингдек, ўтган даврда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилашга қаратилган бир қатор яхлит қонунлар ҳам кўриб чиқилиб, қабул қилинди.

"Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги, "Давлат қарзи тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги, "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги, "География кўрсаткичлар тўғрисида"ги, "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги, "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги, "Қўриқлаш фаолияти тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидан.

Умуман олганда, норма ижодкорлиги бугунги ислоҳотларни рўёбга чиқаришнинг асосий омили эканлигидан келиб чиқиб, Қонунчилик палатаси фаолиятининг асосий йўналиши бўлган қонун ижодкорлиги фаолиятини янада самарали ташкил қилишга қаратилган ишларни тизимли равишда давом эттириш, янада такомиллаштириб бориш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қабул қилинаётган қонунларнинг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши халқимиз фаровонлигини оширишга, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

Қатъий парламент назорати тараққиётни жадаллаштиради

Қонунчилик палатаси томонидан давлат бошқаруви органлари ва улар мансабдор шахсларининг қонунлар ижроси, давлат дастурларининг сўзсиз бажарилиши, ўз зиммаларига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга оширишга доир фаолияти устидан таъсирчан **парламент назорати** олиб борилмоқда.

Ўтган даврда депутатлар парламент назорати шаклларидан самарали фойдаланди. Жумладан, Қонунчилик палатаси мажлисларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахбороти **8 маротаба** эшитилди. Парламент назоратининг "парламент эшитуви" шакли аҳолини қийнаб келаётган ўткир масалаларни ижро ҳокимияти органлари олдига қўйиш, уларни ҳал этиш ва бу борада аниқ натижадорликка эришишда муҳим омил бўлмоқда.

Хусусан, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг таклифига кўра жорий йилнинг **8 февраль** куни соғлиқни сақлаш вазири Б. Мусаевга "2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан коронавирус пандемиясига қарши курашиш тадбирлари учун ажратилган маблағларнинг оқилона сарфланиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида" асослантирилган тушунтириш бериш талаби билан **парламент сўрови** юборилди.

Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш — **"Ҳукумат соати"** институти сайлов округларида аҳоли томонидан кўтарилаётган қатор муаммолар ва масалаларни ҳал қилишда ижро этувчи ҳокимият ҳамда парламент ҳамкорлигининг энг самарали усулига айланди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ўтказилган **"Ҳукумат соати"** доирасида **халқ таълими вазири Б. Саидов** "Мактабларда ягона "Электрон таълим" тизимини жорий қилиш ва масофавий таълимни самарали ташкил этиш тўғрисида"ги, **Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раиси Н. Бакиров** ҳамда **Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси Н. Обломурадов** "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини самарали амалга ошириш, маиший чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида"ги масалалар юзасидан депутатларнинг саволларига жавоб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **Давлат дастури ижроси** юзасидан парламент олдида ҳар чоракда ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилганлиги депутатлар фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим қадам бўлди. Шунга мувофиқ жорий йил 26 январь куни Қонунчилик палатаси мажлисида "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" Давлат дастурининг 2021 йилда бажарилиши юзасидан Ҳукуматнинг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Айтиб ўтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамаси аъзолигига номзодлар**ни тегишли қўмиталар ва сиёсий партиялар фракциялари томонидан дастлабки тарзда кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилганлиги Ҳукумат томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишдаги натижадорликни таъминламоқда. Шунингдек, олиб борилаётган ислоҳотларнинг фуқаролар ҳаёт тарзига янада чуқур кириб боришига имкон бермоқда.

Қонунчилик палатасининг қўмиталари томонидан **БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини** Ўзбекистон томонидан бажаришга доир миллий мақсад ва вазифаларнинг самарали ижроси юзасидан доимий равишда мониторинг олиб бориш амалиёти ҳам йўлга қўйилди.

Қонунчилик палатаси қўмиталари ўз фаолият йўналишларидан келиб чиқкан ҳолда, Тараққиёт стратегиясида белгиланган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг долзарб масалалари юзасидан **30 та** назорат-таҳлил тадбири ўтказди.

Жумладан, қўмиталарда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ахбороти **10 маротаба** эшитилди, қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганишга оид **9 та** назорат-таҳлил ўтказилди. Шунингдек, Қонунчилик палатаси ва қўмиталар қарорларининг ижроси бўйича **11 та мониторинг** уюштирилди.

Назорат-таҳлил тадбирлари доирасида депутатларнинг сайлов округларидаги фаолияти давомида аниқланган долзарб масалалар ҳамда жойларда мавжуд тизимли муаммолар ечими юзасидан мутасаддилар олдига аниқ саволлар қўйилди, бу борада улар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳолатига эътибор қаратилди. Ушбу саъй-ҳаракатларнинг **якунлари бўйича қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди**.

Муаммолар ўз вақтида аниқланяпти

Депутатларнинг аҳоли билан доимий мулоқотини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришда халқ вакиллари фаолиятида сайловчилар депутат олдига эмас, депутат ўз сайловчилари ҳузурига бориши шарт, деган тамойил устувор мезонга айланди.

Бугунги кунда депутатларнинг сайлов округларидаги ишлари мунтазамлик касб этиб, халқ ноиблари **ҳар ойнинг охирги ҳафтасини** ўз сайлов округларида ўтказмоқда.

Қонунчилик палатасининг Регламентига мувофиқ депутатлар сайлов округларида бўлиб, жами **3 минг 958 та** хонадонга бордилар. **2 минг 442 та** учрашув ўтказилиб, уларда **50 минг** нафардан зиёд фуқаролар, шу жумладан, **4,7 мингдан** ортиқ тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан бевосита мулоқотлар ташкил этилди.

Сайлов округларидаги учрашувларда депутатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг бориши, қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти, сиёсий партиялар фракциялари ҳамда қўмиталарнинг фаолияти тўғрисида сайловчиларга ахборот берди. Янги қабул қилинган қонунларнинг моҳияти ва аҳамиятини фуқароларга етказди.

Сайлов округларидаги учрашувлар мобайнида депутатлар **маҳаллий Кенгашларга** амалий ёрдам кўрсатди. Маҳаллий **Кенгашлар депутатларини** ҳам партиявийлигидан келиб чиқиб, **жойлардаги мулоқотларга жалб қилдилар**.

Жойларда сайловчиларни қийнаб келаётган муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, сайлов округидаги вазиятдан доимий равишда хабардор бўлиб бориш мақсадида ҳар бир депутат ўз ҳудудидаги **Халқ қабулхоналари** билан доимий алоқа ўрнатди. Ушбу ҳамкорлик депутатнинг ўз округида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда, одамларнинг дарду ташвишларини тинглашида муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, ўтган даврда Халқ қабулхоналари билан ҳамкорликда **8 минг 111 нафар фуқаро қабули** ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, бугунги шиддатли ўзгаришлар депутатларнинг сайловчилар билан мулоқотни янги босқичга олиб чиқишни тақозо этмоқда.

Шундан келиб чиқиб, депутатларнинг февраль ойидаги сайловчилар билан учрашувлари **янгича ёндашувлар** асосида ташкил қилинди. Қонунчилик палатасидаги ҳар бир фракция ўз партиясининг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, устувор аҳамият қаратиладиган аниқ йўналишларни белгилаб олди ва ўрганишлар ўтказди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, **Қонунчилик палатаси депутати ёрдамчиси институти** жорий этилганлиги депутатнинг сайловчилар билан узвий алоқасини янада мустаҳкамлаш, сайлов округида сайловчилар билан тизимли мулоқотни йўлга қўйиш, жойлардаги мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва тезкорлик билан бартараф қилиш чораларини кўришда муҳим роль ўйнамоқда.

Депутатга мурожаат қилиш имконияти кенгайтирилди

Ўтган даврда Қонунчилик палатасида **аҳоли мурожаатлари билан** ишлаш тизими ҳам янгича ёндашувлар асосида ташкил этилди. Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида мурожаатлар билан ишлаш тартиби тўғрисидаги қоидалар тубдан қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, "Электрон парламент" тизими доирасида депутатларнинг сайловчилар билан масофадан туриб, онлайн тарзда бевосита алоқасини таъминлаш ҳамда доимий равишда мулоқотини йўлга қўйиш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси депутатлар портали" (deputat.gov.uz) синов режимида ишга туширилди.

Аҳолининг қуйи палата депутатларига мурожаат йўллаш имкониятини янада ошириш мақсадида ҳар бир депутат томонидан мурожаатларни ижтимоий тармоқлар орқали ҳам қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Қуйи палата қўмиталарида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ҳолати, уларда кўтарилаётган масалаларнинг ҳал этилиши юзасидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботларини эшитиб бориш амалиётидан самарали фойдаланилди. Жумладан, ўтган даврда тегишли қўмиталар томонидан ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш, Ички ишлар, Халқ таълими вазирликлари мутасаддиларининг ахбороти эшитилди.

Амалга оширилган бу каби тизимли чора-тадбирлар ҳамда яратилган шарт-шароитлар жисмоний ва юридик шахсларнинг Қонунчилик палатасига мурожаат қилиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Ҳисобот даврида қуйи палатага жисмоний ва юридик шахслардан уч мингга яқин мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг олти юздан зиёди депутатларнинг айнан сайловчилар билан тўғридан-тўғри мулоқоти жараёнида қабул қилинган.

Кейинги пайтларда мурожаатлар орасида қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар салмоғи ошиб бормоқда. Ҳисобот даврида **151 та** шундай таклиф келиб тушган бўлиб, улар масъул қўмиталар томонидан атрофлича кўриб чиқилди ва бир қатор таклифлар қонун ижодкорлиги жараёнида инобатга олинди.

Халқаро алоқалар кучаймоқда

Қонунчилик палатаси ўзининг парламентлараро алоқаларини кучайтириш орқали Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорлик тизимини мустаҳкамлашга ҳиссa қўшиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг парламент дипломатияси концепцияси доирасида хорижий давлатлар парламентлари ва халқаро ташкилотлар билан кўп қиррали ва самарали алоқалар изчил давом эттирилди.

Парламентлараро ришталарни янада мустаҳкамлаш мақсадида Таиланд Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича парламентлараро гуруҳи тузилди. Шу тарика, ҳозирги кунда Олий Мажлисда жами **53 та** хорижий давлат парламенти билан парламентлараро гуруҳлар ҳамда "Ўзбекистон — Европа Иттифоқи" парламент ҳамкорлиги қўмитаси фаолият юритмоқда.

Парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш, хорижий давлатлар парламентлари билан тажриба алмашишни йўлга қўйиш орқали ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда парламентлараро шерикликни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсатнинг муҳим йўналишлари бўйича алоқаларни янада яхшилаш, мухтасар айтганда, парламентлараро дипломатияни самарали амалга ошириш мақсадида Қонунчилик палатасида Германия Федератив Республикаси ва Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулодда ва мухтор элчилари ҳамда Европа Иттифоқи делегацияси билан учрашувлар ўтказилди.

БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг бажарилиши, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда парламентнинг ролини ошириш, хорижий ташкилотлар тавсияларининг ижросини ташкил этиш, халқаро йўналишда қабул қилинган қатор "йўл хариталари"да белгиланган тадбирларнинг бажарилиш ҳолати устидан самарали парламент мониторинги йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, Тараққиёт стратегиясига мувофиқ барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда қуйи палатанинг иштироки тобора кучаймоқда.

Парламентнинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, унинг ички ва ташқи сиёсатга оид муҳим вазифаларни ҳал этишдаги ваколатларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар депутатлар корпусидан янада фаол бўлишни, иш жараёнига янгича руҳ ва ўзгача мазмун олиб киришни тақозо этади.

Жасур ЖУМАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Девони масъул ходими.

Фестиваль

Кўҳна Хоразм заминида Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Фанлар академияси ва вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида, ЮНЕСКО шафелигида ўтказилган "Лазги" халқаро фестивали ниҳоясига етди.

«ЎЙНАГАНЛАР БЎЛАДИ ХУШ...»

Президентимизнинг 2020 йил 28 сентябрдаги "Лазги" халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, воҳага ташриф буюраётган хорижий сайёҳлар орасида бой маданий меросимизни кенг тарғиб этиш ҳамда шу орқали арт-туризмини ривожлантириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган мазкур санъат байрамида дунёнинг 30 га яқин давлатларидан 175 нафар рақс санъати устаси қатнашди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, хоразмлик Дилноза Ортиқова фестивалнинг Гран-при мукофотини қўлга киритди. "Энг яхши рақс жамоаси" номинациясида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг "Тумор" ансамбли 1-ўринни, Ўзбекистон давлат филармониясининг "Навбаҳор" ашула ва рақс ансамбли ҳамда Фикрат Аминов номидаги Озарбайжон давлат ашула ва рақс ансамбли 2-ўринни, Қирғизистоннинг "Шаттик" ҳамда Туркиянинг "Инегол" халқ рақси ансамблари 3-ўринни эгаллади.

"Энг яхши яккахон рақс ижрочиси" номинациясида ўзбекистонлик Шерзод Кенжабоев ва қозоғистонлик Гурнур Кассимбек биринчи, ҳиндистонлик Нидхи Мисра ва ўзбекистонлик Феруза Азатова иккинчи, испаниялик Нерея Фернандес, россиялик Кристина Коврова ва Никита Грудзев учинчи ўринни соҳиби бўлди.

"Энг яхши саҳналаштирилган рақс" номинациясида Болгариянинг "Пирин" рақс жамоаси ғолибликка эришди. Ўзбекистон давлат филармониясининг "Ўзбекистон" ашула ва рақс ансамбли ҳамда Тожикистоннинг "Зебо" ансамбли иккинчи, Сербиянинг "Свети дорди" ва Мисрнинг "Таннура" рақс жамоалари учинчи ўринга муносиб кўрилди.

— Фестивалда чиқишларимни олқишлаб, қўллаб-қувватлаб турган халқимиздан чексиз миннатдорман, — дейди "Лазги" халқаро рақс фестивали Гран-при соҳибаси Дилноза Ортиқова. — Ушбу санъат байрами қадим қадриятимиз — миллий рақс санъатимизнинг бетакрор дурдонасини дунёга танитишга хизмат қилади. Хоразм санъатининг ўзига хос "ташриф қоғози"га айланган "Лазги"нинг жозибадор рақси ва ўйноқи куйи жаҳон саҳналарида баралла янграйверади.

— Фестивалда қатнашган халқ вакилларининг рақслари ўзига хос бўлиб, раққос ва раққосаларнинг ижро маҳоратига ҳам қойил қолмасликнинг иложи йўқ, — дейди фестиваль меҳмонларидан бири, профессор Анн Девид (Буюк Британия). — Лекин "Лазги" бошқалардан ажралиб турди. Унда ўзига хос фалсафа мавжуд экан. Лазгининг бир нечта турини зўр маҳорат билан ижро этган рақс усталари истеъдодига тасанно дегинг келади!

— Хоразмга саёҳатимиз "Лазги" халқаро рақс фестивалига тўғри келиб қолганидан жуда хурсандмиз, — дейди нидерландиялик сайёҳ Алнен Фёрстрейт. — Табдирда турли мамлакатлардан ташриф буюрган рақс жамоалари чиқишларини мароқ билан томоша қилиб, бир олам таассуротлар олдик. Кейинги "Лазги" фестивалига дўстларим билан бирга келиб томоша қилиш ниятидамиз.

Танловнинг ғолиб ва совриндорлари диплом, статуэтка ҳамда пул мукофотлари билан тақдирланди.

Одилбек ОДАМБОЕВ
("Халқ сўзи").

ЭЪЛОН

Инвесторлар ва қурилиш ташкилотлари раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 майдаги ПҚ-4343-сонли қарорига мувофиқ, шунингдек, ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларга замонавий талаблар асосида арзон уй-жойлар қуриш ва бериш ҳисобидан уларни рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш даражасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги 865-сонли қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси ходимларига кўп квартирали уйларни тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қуриш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамкорликка таклиф этилади. Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар вакилларидан қуйидагилар талаб қилинади:

1. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси;

2. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг фаолияти ҳақида маълумот (3 йилдан ортиқ ишлаган бўлиши керак);

3. Хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома;

4. Давлат солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома;

5. Инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси тўғрисида маълумот;

6. Қурилиш режалаштирилган ҳудудга лойиҳа таклифи (бош режа, фасад, қаватлар режаси, 3D кўринишда);

7. Қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш муддатлари ва қурилиш шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишда);

8. Қурилган уйларнинг энг камида 50 фоизини ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилари учун имтиёзли арзонлаштирилган нархларда сотиш бўйича ҳисоботи (тижорат таклифи).

Шунингдек:

Лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносига қўшимча равишда автомобиллар тураржойи ҳамда болалар майдончаси бўлиши шарт.

Лойиҳаланаётган кўп қаватли тураржой биносининг қаватларини ер майдони жойлашган туман бош архитектори билан маслаҳатлашган ҳолда келишиши лозим.

Қурилиши режалаштирилаётган кўп қаватли тураржой биноси бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари билан боғлиқ барча харажатлар инвестор ёки қурилиш ташкилотининг ўз маблағлари ҳисобидан бўлади.

Мазкур шартлар бўйича ҳамкорлик қилиш истагидаги инвестор ёки қурилиш ташкилотлари 2022 йилнинг 15 май кунига қадар танлов юзасидан қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

Фарғона шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 13-уй
Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси.
Телефонлар: 73-244-16-41, 97-504-04-05

Қурилиши режалаштирилаётган объект манзили:

1. Фарғона шаҳар ИИО ФМБга тегишли Фарғона шаҳри, М. Солиб кўчаси 1-уйда жойлашган қурилиш умумий майдони 2500 м² (0.25 га) бўлган бўш ер майдони.

2. Фарғона шаҳар ИИО ФМБга тегишли Фарғона шаҳри, М. Солиб кўчаси 1-уйда жойлашган қурилиш умумий майдони 1000 м² (0.10 га) бўлган бўш ер майдони.

3. Фарғона вилояти ИИБ тасарруфидаги "Юлдузча" МТМга тегишли Фарғона шаҳри, Янгийўл кўчаси, 63-уйда жойлашган қурилиш умумий майдони 360 м² (0.036 га) бўлган бўш ер майдони.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи

2022 йил 2 май

«ОЛТИН ҚАЛАМ» ТАНЛОВИ ЯНГИ РУҲ ВА ЮКСАК САВИЯДА ЎТКАЗИЛАДИ

1 Албатта, буни сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар, ислоҳотлар, инсон қадрини улуғлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар жараёнида табиий ҳолат сифатида қабул қиламиз. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати туфайли нафақат қўшни давлатлар, балки узоқ ва яқиндаги хорижий мамлакатлар билан алоқалар мустаҳкамланиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, хорижлик журналистларнинг янги Ўзбекистонга қизиқишини сезиларли даражада оширмоқда.

Ҳар йили 3 майда Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини дунё бўйлаб кенг нишонлашдан бош мақсад ахборот эркинлиги тамойилларини илгари суриш, барча минтақада ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги ҳолатига баҳо бериш, сайёрамизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни холис ва ҳаққоний ёритиб, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келаётган беҳаловат касб эгалари — журналистларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Бу муҳим сананинг тарихига назар ташласак, 1991 йил 3 май куни Африка мамлакатлари мустақил матбуоти вакиллари Намибиянинг Виндхук шаҳрида декларация қабул қилиб, жаҳондаги барча мамлакатлар ҳукуматларини матбуот эркинлиги ва унинг демократик хусусиятини таъминлашга даъват этган. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси қарорига кўра, 1993 йилдан бошлаб ҳар йили 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни сифатида нишонланиб келинмоқда. ЮНЕСКО томонидан таъсис этилган 1986 йили хизмат вазифасини бажараётганда ҳалок бўлган колумбиялик журналист Гильермо Кано номидаги мукофот шу куни фидойи журналистлар матбуот эркинлигига қўшган ҳиссаси учун топширилади.

Ўзбекистонда ҳам бу сана кенг нишонланади. 2006 йили Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Жаҳон матбуоти эркинлиги куни муносабати билан халқаро миқёсда танлов ўтказиш ташаббуси билан чиққан. Миллий ва халқаро журналистиканинг ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фаол фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш, журналистларда танқидий-таҳлилий фикрлашни шакллантириш, ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни қўллаб-қувватлаш ҳамда миллий журналистика ривожига ҳисса қўшишни рағбатлантириш мақсадида Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган “Олтин қалам” Миллий мукофоти таъсис этилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси ва ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, журналистларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шу эзгу ишлар доирасида 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни муносабати билан анъанавий ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танлов ҳар йили юксак савияда ташкил этилади. Бу танлов халқаро майдонда матбуот ва сўз эркинлиги соҳасида мамлакатимиз нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танловда хорижлик журналистларнинг иштироки масаласига яна эътибор қаратсак, яқин йилларгача “Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун” номинацияси танловнинг асосий йўналишида эмас, рағбатлантирувчи номинациялари қаторида бўлган ва бор-йўғи бир нафар хорижлик журналист мукофотланган. 2021 йилдан бошлаб уларнинг иштирокини кенгайтириш мақсадида “Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун” номинацияси танловнинг асосий йўналишига киритилди. Журналистика соҳасида “Олтин қалам” XV танлови ғолиб ва совриндорлари сафидан “Business Turk” журнали бош муҳаррири Рузубай Акурен (Туркия Республикаси) жой олиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиланишлар жараёнини Туркияда кенг ва таҳлилий ёритиб келаётгани ва мамлакатлар ўртасидаги алоқалар ривожига қўшаётган ҳиссаси учун 1-ўринга муносиб кўрилган. 2-ўринни Тожикистон Республикаси ҳукумати қошидаги Телевидение ва радио қўмитаси “Овози тожик” радиоси ўзбек бўлими катта муҳаррири Атобек Ғоибов ўзбек — тожик маданий, ижтимоий-иқтисодий алоқаларини тарғиб этувчи кўрсатувлари, радиоэшиттиришлари ва мақолалари учун қўлга киритган. “NDR” телерадиокомпанияси, “Deutschlandfunk” радиостанцияси ва “Zentralasien-Analysen” журналининг Марказий Осиё бўйича иқтисодий эксперти Биргит Ветцель (Германия Федератив Республикаси) ҳам Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар кенг ёритилган материаллари учун 2-ўринга сазовор бўлган. Шунингдек, “Sputnik” ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири Дилшода Раҳматова (Россия Федерацияси) Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги стратегик муносабатлар ҳақидаги материаллари учун, “Хабар” телеканали бош муҳаррири Жасин Биркенов (Қозоғистон Республикаси) Мўйноқда амалга оширилаётган ислоҳотлар, Ўзбекистонда пандемия даврида аҳолига кўрсатилаётган кўмак, Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларига бағишланган туркум репортажлари учун 2-ўринни эгаллаган. Бундан кўриниб турибдики, ўтган йили 5 нафар хорижлик журналист “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро танловнинг асосий йўналишларидан бири — “Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун” номинацияси бўйича мукофотланган.

Бу йил “Олтин қалам” XVI танловида йигирмага яқин давлатлардан қирқ нафардан зиёд журналистлар қатнашгани, улар орасида Европа, Осиё, Африка, Америка қитъасидан ОАВ вакиллари борлиги танловга хорижда ҳам қизиқувчилар сафи кенгайиб бораётганидан далолат беради ва бутун дунёни қамраб олаётганининг бир исботидир. Туркия Республикаси, Озарбайжон Республикаси ва Тожикистон Республикасидан Журналистлар уюшмаси раислари ва вакиллари “Олтин қалам” танлови ғолиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш истагини билдиргани ва улар мукофотларни топширишда бевосита қатнашиши ҳам бежиз эмас, албатта.

Хўш, буларнинг сабаби нимада? Биринчидан, танловлар орасида “Олтин қалам”нинг нуфузи баланд, мукофотлари миқдори молиявий жиҳатдан салмоқли. Иккинчидан, фақат ижодий ишлар мавзунинг ижтимоий аҳамияти, журналистнинг фуқаролик позицияси, танқидий-таҳлилий мушоҳада, сўзга масъулият ва ифода маҳорати, ижодий фаолиятга янгича ёндашув каби мезонлар бўйича баҳоланади. Учинчидан, шаффоф ўтказилади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоизки, “Олтин қалам” XVI танловида 448 нафар ОАВ вакили 5 мингга яқин ижодий ишлари билан қатнашди. Буни ҳудудлар кесимида айтадиган бўлсак, Тошкент шаҳридан 150 нафардан зиёд, Қорақалпоғистон Республикасидан 40 нафар, Сурхондарёдан 29 нафар журналист танловда иштирок этди.

Бу йил ҳам “Олтин қалам” танловида журналистлар энг кўп қатнашган номинация босма нашрлар йўналиши бўлди ва 140 нафар журналистнинг бир ярим мингга яқин ижодий ишлари кўриб чиқилди. Мазкур номинация бўйича танловда қатнашган энг ёши улуғ иштирокчи 82 ёшда бўлса, энг ёш иштирокчи 16 ёшда экани, улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Олий Мажлис Сенати аъзоси каби устоз журналистлар борлиги эътиборга моликдир.

Танловда телевидение йўналиши бўйича 126 нафар журналист иштирок этди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан уларнинг мингдан ортиқ ижодий ишлари кўриб чиқилди. Эътиборли жиҳати, танловнинг бу йўналиши бўйича ижодий ишларини тақдим этган журналистлар орасида давлат мукофотлари соҳиблари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ўртасида ўтказилган турли танловларда ғолибликни қўлга киритган таниқли журналистлар ҳам бор.

Бу йил “Олтин қалам” XVI танловида радио йўналиши бўйича 40 нафарга яқин журналистлар қатнашди ва уч юздан кўпроқ ижодий ишлар кўриб чиқилди. Мазкур номинация иштирокчиларининг аксарияти журналист аёллар эканини таъкидлаш жоиз. Танқидий-таҳлилий мушоҳада, сўзга масъулият, ижодий фаолиятга янгича ёндашув, энг муҳими, журналистнинг фуқаролик позицияси ижодий ишларда яққол кўринади.

Танловнинг интернет-журналистика номинацияси ҳам қатнашувчилар кўплиги билан ажралиб туради — 45 нафар. Ҳакамлар ҳайъати томонидан тўрт юздан ортиқ ижодий ишлар кўриб чиқилди. Мазкур номинация бўйича танловда қатнашганларнинг асосий қисмини ўттиз беш ёшгача бўлган оммавий ахборот воситалари вакиллари ташкил қилади. Иштирокчилар орасида ғолибликка муносиблар кўп, аммо ғолиблик ўринлари чекланган.

“Олтин қалам” XVI танловининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган материалларни баҳолашда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг расмий jurnalistiar.uz сайти орқали кенг жамоатчилик иштирокидаги онлайн баҳолаш ҳам инобатга олинди. Сайтда танлов иштирокчиларининг электрон рўйхати шакллантирилиб, “Олтин қалам — 2022” саҳифасига уларнинг ижодий ишлари жойлаштирилди. Бунда ҳар бир танлов иштирокчисининг алоҳида саҳифаси бўлиб, ижодий ишларини баҳолаш тизими ҳам автоматлаштирилган.

Бундан ташқари, баҳолашнинг дастлабки босқичида ижодий ишлар ҳар бир йўналиш бўйича ишчи ҳайъат аъзолари томонидан ўрганиб чиқилади ва ҳар бир ижодий иш 5 баллик тизим асосида баҳоланади. Иккинчи босқичда ижодий ишлар кенгайтирилган ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади ва ҳар бир ижодий иш 5 баллик тизим асосида баҳоланади. Ҳакамлар ҳайъати тасдиғидан ўтганидан сўнг электрон йиғилган баллар ҳам қўшилиб, якуний натижа чиқарилади.

Ғолиблар учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида Бош миллий мукофот. Ғолиб махсус диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва базавий ҳисоблашнинг 200 баробари миқдорида (яъни 54 000 000 сўм) пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1, 2, 3-ўринлар); Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун — 1 та биринчи ўрин, 4 та иккинчи ўрин (босма ОАВ, ТВ, радио, интернет).

Биринчи ўринни эгаллаган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва базавий ҳисоблашнинг 160 баробари миқдорида (яъни 43 200 000 сўм) пул мукофоти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган ғолиблар диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва базавий ҳисоблашнинг 140 баробари миқдорида (яъни 37 800 000 сўм) пул мукофотига эга бўлади.

Учинчи ўринга муносиб кўрилган ғолиблар эса диплом, “Олтин қалам” кўкрак нишони, статуэткаси ва базавий ҳисоблашнинг 120 баробари миқдорида (яъни 32 400 000 сўм) пул мукофотини қўлга киритади.

Танловнинг рағбатлантирувчи номинациялари ғолиблари диплом, “Олтин қалам” статуэткаси ва базавий ҳисоблашнинг 50 баробари миқдорида (яъни 13 500 000 сўм) пул мукофоти билан тақдирланади.

Шу ўринда мазкур номинацияларга тўхталиб ўтсак, улардан ҳар бири ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади.

“Инсон қадрини улуғлашга бағишланган энг яхши материаллари учун”. Кўп йиллар давомида “давлат — жамият — инсон” тамойилига амал қилиб келинган бўлса, энди барча ҳаракатлар “инсон — жамият — давлат” деган янги тамойилга қаратилди. Инсон биринчи ўринга қўйилди. Аҳолининг яшаш шароитини тубдан яхшилаш, ижтимоий муаммоларни адолатли ҳал этиш, айниқса, инсонни эъзозлаш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

“Маҳалла, оила ва гендер тенглик мавзуси энг яхши ёритилган материаллари учун”. Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айни пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олингани билан ўзининг юксак мавқеига эга. Оилаларда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантириш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришда маҳалла муҳим ўрин тутади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамиятдаги нуфузини оширишга жиддий эътибор қаратилиб, бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани эътирофга молик. Инсон, аввало, оила бағрида униб-ўсади, шахс сифатида шаклланади. Оила инсон камолотининг бош бўғини, давлат тизимининг энг муҳим институти, жамиятимиз ўзаги, негизидир. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Гендер тенглик масаласи ҳамжамиятни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиш, жамият ва давлат ишларини бошқаришда уларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Танловнинг **“ОАВ билан фаол ҳамкор ахборот хизмати”** номинацияси бўйича сўз юритсак, хабарингиз бор, бир пайтлари ахборот хизмати пойтахтдаги давлат ташкилотларидагина бўларди ва уларда фаолият олиб борадиган журналистларнинг шу соҳага оид тор доирадаги мақолалари онда-сонда газеталарда кўриниб қоларди. Бунга ҳеч ким эътибор бермас эди. Бугунги кунда эса давлат идораларининг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ҳатто чекка туманларда ҳам кузатилади. Агар 2019 йилда давлат ва нодавлат ташкилотлардаги ахборот хизматларининг манбалари — расмий веб-сайтлар, ижтимоий тармоқлардаги каналлар 559 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб бу рақам 3000 га етди. Оммавий ахборот воситаларидаги танқидий чиқишларга вазирлик ва идоралар, ҳокимликларнинг ахборот хизматлари орқали тезкор муносабатлар билдириш амалиёти шаклланди. Турли ташкилотларнинг ахборот хизматларида фаолият олиб бориб, ОАВ билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган журналистларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кўзга яққол ташланмоқда. Мисол учун, Энергетика вазирлигидаги ахборот хизмати ходимларининг таҳлилий мақолалари хориждаги нуфузли нашрларда ҳам чоп этилаётгани бизни қувонтиради.

“Олтин қалам” танловига “Ўзбекистон тарихи ёритилган энг яхши материал учун” ва “Энг яхши фоторепортаж” номинация киритилгани ҳам эътиборга лойиқ. Негаки, она Ватанимиз тарихини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш ёш авлод онгида миллий ўзлик ва ватанпарварлик туйғуларини шакллантиради. Фоторепортаж жанри ҳам матбуотда муҳим ўрин тутади.

“Олтин қалам” XVI танловида халқаро ташкилотлар ва чет давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари томонидан номинациялар эълон қилингани ҳам эътиборга молик. Жумладан, Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан 4 та номинация бўйича, Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан 4 та номинация бўйича, Озарбайжон Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузуридаги Ҳ. Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази томонидан 2 та номинация бўйича, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти томонидан 2 та номинация бўйича ижодий ишлар қабул қилинди. Энг асосийси, халқаро ҳамкорлар томонидан эълон қилинган номинациялар ғолибларига ушбу давлатларга саёҳат сертификатлари ҳам тақдим этилади.

Мухтасар айтганда, “Олтин қалам” XVI Миллий мукофоти учун халқаро танлов янги Ўзбекистонда кечаётган янгиланиш жараёнларига монанд кўтаринки руҳда, юксак савияда ўтказилади. Танлов ғолиб ва совриндорларига мукофотлар шу йил 4 май куни “Туркистон” санъат саройида тантанали тақдирлаш маросимида топширилади.

Олимжон ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси.

Танишув

Европа Иттифоқи делегацияси Оролбўйига ташриф буюрди

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) шафелигида ташкил этилган Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосида траст фонди доирасида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар дипломатик корпусларининг раҳбарлари, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакилларидан иборат делегация Оролбўйига ташриф буюрди.

Европа Иттифоқи Ўзбекистонга совға сифатида ва давлатимизнинг сахрога айланаётган ерларни тиклаш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш мақсадида йил охиригача Орол денгизининг қуриган тубига 27 минг туп дарахт экиш ниятида. Делегация аъзолари томонидан кўчатларнинг биринчи партияси экилди.

Шунингдек, ташриф доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда делегация раҳбари Шарлот Адриан хоним, Европа Иттифоқига аъзо давлатлар элчилари, дипломатик корпусларнинг раҳбарлари Оролбўйига ташрифи давомида олган таассуротлари ва келгуси режалари билан ўртоқлашди.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Оролбўйи ҳудудида экологик инқироз оқибатларини юмшатиш ва яшил ҳудудлар барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар делегация аъзоларида ўзгача қизиқиш ва ижобий таассурот қолдирди. Бу хайрли ишни амалга оширишда Европа Иттифоқи делегацияси ва унга аъзо давлатлар четда қолмайди. Маълум қилинадики, тўқайзорлар яратиш, ирригация тармоқларини яхшилаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга ўзларининг ҳиссасини қўшади. Шунингдек, тадбирда долзарб масалалардан саналган соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларида бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилгани ҳақида маълумот берилди.

Делегация аъзолари ташриф давомида Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида, Тахтакўпир ва Мўйноқ туманларида ҳам бўлиб, Траст фонди томонидан молиялаштириладиган лойиҳалар билан ҳам танишди.

Гайрат ОТАЖОНОВ
(«Халқ сўзи»).

ЭЗГУЛИКЛАРДАН ЧЕТДА ТУРМАНГ

«Artel» жамоаси ҳам ҳар доим ана шундай ишларга камарбаста.

Жорий йилнинг 20 апрель куни содир бўлган кучли ёғингарчилик натижасида республикамизнинг бир қатор тоғ ва тоғолди ҳудудларида, хусусан, Жиззах вилоятининг Фориш, Бахмал, Ғаллаорол ва Шароф Рашидов туманларида сел ва тошқинлар юзага келди.

Эътибор

Табиий офатлар оқибатида аҳоли яшаш пунктлари, ижтимоий соҳа объектлари, қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етди. Хусусан, Жиззах вилоятининг қатор туманларида икки соат ичида йиллик ёғингарчиликнинг 10 фоизи миқдорида ёмғир ёғди. Бунинг натижасида аҳоли яшаш пунктларини сув босди, айримларини тиклаб бўлмайдиган даражада вайрон қилди. Кучли оқим ҳатто кўчаларда тўхтаб қолган машиналарни ҳам ўз домига тортди. Хусусан, кучли сел келишидан биргина Фориш туманидаги Эгизбулоқ маҳалласида жойлашган 260 хонадонга зиён етди. Кўплаб оилалар бошпанасиз қолди. Афсуски, фожиали ҳолатлар ҳам бўлди. Сел тошқинлари беш кишининг умрига зомин бўлди.

Айни кунларда турли давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан аҳолига табиий офат оқибатларини бартараф этишда ёрдам кўрсатилмоқда. Хусусан, уйлари сел оқибатида вайрон бўлган аҳоли вакиллари учун янги уй-жой қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Бундай эзгу ишдан “Artel” компанияси ҳам четда қолмади. Жорий йилнинг 28 апрель куни компания томонидан тузилган волонтёрлар гуруҳи Жиззах вилоятининг Фориш туманига келди. Компания ходимлари сув тошқинидан жабр кўрган Эгизбулоқ қишлоғида бўлиб, маҳаллий аҳоли вакилларидан кўнгил сўради. Шунингдек, яқинлашиб келаётган муқаддас Рамазон ҳайити муносабати билан бу ерда яшовчи болаларга ўйинчоқлар, маҳаллий аҳоли вакилларига шахсий гигиена воситалари совға қилишди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Компания томонидан уй-жойидан ажралган 30 та оилага маиший техника жамламалари учун сертификатлар ажратилди. Ҳар бир жамламада олтита маиший техника — телевизор, музлаткич, газ плитаси, кир ювиш машинаси, минипечь ва дазмол бор.

Корхона раҳбарияти ва ходимлари ҳамиша юртдошларимизга ёрдам беришга тайёр ҳамда бу орқали халқимиз фаровонлигига, Ватан равнақига ҳисса қўшишга интилади. Эътиборлиси, бу мазкур компаниянинг ёрдамга муҳтож аҳоли вакилларини қўллаб-қувватлаш борасидаги биринчи эзгу ишлари эмас ҳамда бундай амаллар мунтазам давом эттирилади.

«Artel» матбуот хизмати.

Реклама ҳуқуқи асосида

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 548. 31 218 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6